

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАДМАНОВА НАРГИС КУРБАНОВНА

**АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯДА ИММУНОМЕТАБОЛИК
КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ҚИЙМАТИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Шадманова Наргис Курбановна

Артериал гипертензияда иммунометаболик кўрсаткичларнинг
истиқболли қиймати..... 5

Шадманова Наргис Курбановна

Прогностическое значение иммунометаболических показателей при
артериальной гипертензии..... 25

Shadmanova Nargis Kurbanovna

Prognostic value of immunometabolic parameters in arterial hypertension 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works 50

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАДМАНОВА НАРГИС КУРБАНОВНА

**АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯДА ИММУНОМЕТАБОЛИК
КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ҚИЙМАТИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib1594 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Наврузова Шакар Истамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Полевщиков Александр Витальевич
биология фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022__ йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Web sayt: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй. Тел./факс: +99865 223-00-50, Web sayt: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022__ йил «__» _____ куни тарқатилган.
(2022__ йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш.Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н.Ачилова

Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.А.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда артериал гипертензия (АГ) муаммоси бутун дунёда эрта ўлимга олиб келувчи етакчи хавф омили сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда. Касалликни глобал миқёсда ўрганиш шуни кўрсатдики, артериал босимни меъёр чегарасида бўлмаслиги, аввалгидек, глобал ўлимга олиб келувчи хавф омиллари орасида асосийси бўлиб, ҳар йили 9,4 миллион ўлим ва 212 миллион соғлом ҳаётни йўқотилишига сабаб бўлади (бутун дунё кўрсаткичининг 8,5 % ташкил қилади)¹.

Бутун дунёда сўнги 30 йил ичида 30-79 ёшли катталар орасида гипертониклар сони 650 млн дан 1,28 млн га ошган. Гипертония юрак, бош мия ва буйрақлар касалликлари хавфини ошириб, касалланиш ва ўлимга олиб келувчи сабаблар орасида етакчиси ҳисобланади. Ўзбекистон 1990-2019 йиллар оралиғидаги даврда гипертония кўрсаткичи кескин ошган 10 та мамлакат қаторига киради (аёллар орасида-9% ва эркеклар орасида-15%)².

Сўнги ўн йилликларда юзага келган АГ ривожланишининг механизмлар мозаикасида энг қизиқарли янгилиги гипертоник касаллигини ривожланишида туғма ва орттирилган иммунитетнинг иштирокининг кашф этилиши бўлди³. Дунёнинг турли мамлакатларида АГ шаклланиш механизмларини ўрганишга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда. Бунда АГ асоратланиш хавф омилларининг иммун-метаболик предикторлари ва информатив индикаторларини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш республика тиббиётининг долзарб йўналишларидан ҳисобланади. Шу қаторда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган даво-профилактика хизматини яхшилаш, тизимга янги инвестицияларни жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини ва соғлом овқатланишни оммавий тарғиб қилиш ҳамда аҳоли қатламларини соғломлаштириш тиббиётининг устувор йўналишларидан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори; 2021 йил 3 февралдаги ПФ- 6155-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси»⁴ давлат дастури; 2021 йил 6 ноябрдаги «Янги Ўзбекистон-маърифатли жамият» концепцияси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Forouzanfar MH et al. Global, regional, and national comparative risk assessment of 79 behavioural, environmental and occupational, and metabolic risks or clusters of risks, 1990–2015: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2015. *Lancet* 388, 1659–1724 (2016).

² *Lancet* 2021; 398: 957–80. www.thelancet.com Vol 398 September 11, 2021.

³ Guzik TJ, Skiba DS, Touyz RM, Harrison DG. The role of infiltrating immune cells in dysfunctional adipose tissue. *Cardiovasc Res.* 2017;113(9):1009–23. <https://doi.org/10.1093/cvr/cvx108>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 феврал 2017 йилдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947 – сонли Фармони. <https://lex.uz/acts/3107036>

белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аниқланишича, Бухоро вилоятининг уюшмаган аҳолиси орасида АГ нинг учраш частотаси 20,2% ни ташкил этади. Аҳоли орасида АГ давосининг доимийлиги билан боғлиқ ноқулай вазият юзага келган. АГ билан касалланган беморларнинг деярли 4/5 қисми (77,41%) доимий давони қабул қилмайди. Бундай вазиятда ички аъзолар зарарланиши ва қон томир билан боғлиқ асоратлар хавфи сезиларли ошади (Жураева Х.И., 2017).

АГ аниқланишининг тиббий-ижтимоий омиллар билан боғлиқлиги бирламчи профилактик тадбирларнинг муҳимлигини кўрсатади (Икромов Х. С., Хикматов М. Н., 2017).

Маълумки, гипертензия яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқ ҳолат. Бирок, ҳозиргача яллиғланиш гипертензия сабаби ёки оқибати эканлиги аниқ маълум эмас (Dinh QN, Drummond GR, Sobey CG, et al., 2014).

Қон томир эндотелийси - актив эндокрин аъзо бўлиб, у қон томир тонусини бошқаришда ва қон томир гомеостазини қўллаб қувватлашда иштирок этади. Ушбу бир қаватли тўқима қон томир ички деворини шундай силлиқлайдики, бунда эндотелий хужайралари оқиб ўтувчи қон билан бевосита алоқада бўлади ҳамда натижада силжувчи таранглик ҳосил бўлади (Baeyens N., Vandyopadhyay C., 2016).

Эндотелий фаоллашуви дастлабки кузатилган ўзгариш бўлиб, қон томир ички юзасида жойлашган эндотелий хужайраларининг аномал яллиғланиш олди ва протромботик фенотипи ҳисобланади (Incalza MA, D'Oria R, Natalicchio A., 2018).

Эндотелий дисфункцияси атерогенез ва пиллакчалар ҳосил бўлишига олиб келувчи юрак-қон томир касалликлари ривожланиши ва кучайиб боришининг асосий омилдир (Edwards, N., Langford-Smith, A. W., Wilkinson, 2018).

Инсулин ва глюкоза каби айланиб юрувчи молекулаларни скелет мушакларига ташиб берилиши эндотелий хужайралари орқали бошқарилади (Walsh L.K., Ghiarone T., Olver T.D., et al., 2019).

Цитокинлар, оқсил табиатли яллиғланиш олди медиаторлари бўлиб, хавфнинг калит даракчиларидир. Улар эндотелий ишини гомеостатик режимдан ҳимоя режимига ўтказди (Libby P, Lüscher T., 2020).

Аммо, АГ олдини олишда иммуно-метаболик кўрсаткичларнинг аҳамияти ҳалигача етарлича очиб берилмаган. Шу билан бирга АГ да қоннинг метаболик кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда цитокинлар кўрсаткичларини ўрганган илмий ишлар ҳам мавжуд эмас. АГ асоратланиш хавфининг информатив индикаторлари ҳам маълум эмас.

Юқорида келтирилган жиҳатлар АГ билан касалланган беморларни самарали бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда касалликнинг ташхисоти ва асоратларини олдини олишда инновацион ёндашувни асослаш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.002 «Бухоро худуди иссиқ иклими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади - ташхисот ва асоратларни олдини олиш усулларини оптималлаштириш мақсадида артериал босимни бошқаришда иммун-метаболик кўрсаткичларнинг ташхисий ва истиқболли аҳамиятини баҳолаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- АГ ривожланишининг хавф омилларини ўрганиш;
- коморбид ҳолатга боғлиқ равишда АГ да углеводлар ва липидлар метоболизмини ҳолатини баҳолаш;
- АГ қоннинг иммунологик ва метаболик кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;
- АГ да асоратларни олдини олиш ва беморларни бошқариш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоят кардиология диспансерида даволанган 135 нафар АГ билан касалланган бемор ҳамда Бухоро шаҳар 4-сон оилавий поликлиникасига қарашли ҳудудда истиқомат қилувчи 30-70 ёш оралиғидаги 75 нафар соғлом аҳоли таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида периферик қон, биокимёвий ва иммунологик текширувлар учун қон зардобидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, иммунологик, функционал (ЭХОКГ, ЭКГ), антропометрик (вазн ва бўй ўлчами) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

- АГнинг хавф омиллари аниқланди: жумладан семизлик - 47,4% (имконият нисбати (ИН)=12,5), тамаки чекиш-59% (ИН=3,4), ирсий мойиллик-34,8% (ИН=2,8), стресс омили ва аклий зўриқиш-63,7% (ИН=2,35) ва тананинг гиперстеник типдаги тузилиши -56,3% (ИН=2,17) ни ташкил этди.

- илк бор АГ оғирлигининг истиқболли индикаторлари аниқланди: С-пептид ва лактатдегидрогеназа (ЛГД)нинг АГ оғирлик даражаси билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланди;

- АБни бошқаришда вирус-бактериал инфекцияларнинг аҳамияти исботланди. Бунда инфекциялар метаболик синдром (МС) асосида В-лимфоцитларни фаоллашуви, CD3 ва CD4- лимфоцитлар (хелперлар)ни

камайиши, киллер фаоллик ва хужайра апотозини ошиши каби иммун дисбалансни юзага келтириши исботланди;

- АГнинг 2- даражасида қонда CD3+- лимфоцитлар миқдорининг камайиши билан тасдиқланувчи иммунологик фалажлик (гипореактивлик) ривожланиши исботланди;

- илк бор қондаги IgG кўрсаткичи АГ асорати ривожланишининг индикатори эканлиги аниқланди;

- АГ асоратлар ривожланишини олдини олишнинг устувор йўналишларини очиб берувчи АГ асоратларини истиқболлаш дастури ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- АГ ривожланиши хавф омилларининг жамланмаси аниқланди;

- АГ асоратларини истиқболлаш дастури, АГ билан касалланган беморларни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилди ва кўп тармоқли тиббиёт марказларининг шифокорлари- терапевтлар, иммунологлар, кардиологлар, гастроэнтерологлар, эндокринологлар ҳамда оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларини умумий амалиёт шифокорлари амалий фаолиятига жорий этилди;

- ички аъзолар ва миокард хужайраларининг апоптози (юрак ишемик касаллиги) ва диабет олди ҳолатларини ҳамда МС истиқболини башоратлаш учун 2-даражали АГ да қондаги ЛГД даражаси аниқлаш таклиф этилди;

-Атеросклероз ва иккиламчи иммун танқислик ҳолатини олдини олиш учун қонда IgG миқдорини аниқлаш таклиф этилди. Унинг атерогенлик индекси билан боғлиқлиги сабабли - $r=0,37$, АГ билан касалланган беморлар қонида IgG миқдорининг ошиши атеросклероз ривожланишини, унинг миқдорини камайиши иммун танқислик ҳолати ривожланишини тасдиқлайди;

- АГ кечишида бактериал ва вирусли инфекцияларнинг аҳамияти аниқланди: асосий касалликнинг асоратларни эрта профилактикаси учун доимий кузатув, қонда лейкоцитлар ва лимфоцитлар миқдорини текшириш, вирус-бактериал касалликларни ўз вақтида даволаш ҳамда сурункали инфекция ўчоқларини санация қилиш тавсия этилди;

- АГ ва унинг асоратларини ривожланишини олдини олиш учун ўсмирлик даври ҳамда барча ёш гуруҳларида IgG таҳлилинини ўз ичига олган иммун статусни таҳлил қилиш тавсия этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган клиник, биокимёвий, иммунологик текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти, ўтказилган тадқиқотлар натижасида АГ нинг хавф омиллари аниқланди, коморбид ҳолатга боғлиқ равишда АГ да углеводлар ва липидлар метабализмини ўзаро чамбарчас боғлиқлиги аниқланди ва АГ асоратларини олдини олиш дастури ҳамда ушбу категориядаги беморларни бошқариш алгоритми яратилди. Олинган натижалар АГ патогенезининг янги жиҳатларини очиб беради ва Республикада кардиология, клиник иммунология ва умуман терапия соҳасида чуқур илмий изланишлар олиб борилишига салмоқли хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида соғлиқни сақлаш амалиёти учун АГ билан касалланган беморларни бошқариш алгоритми, касалликнинг оғирлик даражасини белгиловчи меъзонлар ҳамда услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди. Бу умумий амалиёт шифокорларига АГ билан касалланган беморларни бошқариш тактикасини, тўғри даво усулини танлашда ёрдам беради ва касалликни олдини олишга қаратилган чора тадбирлар самарадорлигини оширади. Юқоридагиларнинг барчаси АГ асоратланиш ва ўлим хавфини камайтиради, молиявий сарф харажатларни камайтиради, ва беморлар ҳаёт сифатини оширишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Артериал гипертензия билан касалланган беморлар қонида иммун-биокимёвий кўрсаткичларни ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

- услубий тавсиянома тасдиқланди: «Артериал гипертензия ташхисоти ва асоратларни олдини олишда иммуно-биокимёвий кўрсаткичларнинг аҳамияти» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 августдаги РУз № 8Н-р/754 маълумотномаси), «Артериал гипертензия асоратларни олдини олиш ва беморларни бошқариш алгоритми» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 августдаги РУз № 8Н-р/755 маълумотномаси).

Артериал гипертензия ташхисоти ва беморларни бошқаришга қаратилган илмий иш натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Бухоро шаҳридаги 4-сон ва 10-сон Оилавий поликлиникаларга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 октябрдаги №8Н-д/380 маълумотномаси).

Натижада касалликни ташхисоти аниқлиги ва тезлиги кескин ошди, касаллик профилактикаси натижасида беморларни даволашга сарфланадиган молиявий харажатлар миқдори камайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотнинг долзарблиги мақсад ва вазифалари асосланади, ўрганиш объекти ва предмети тавсифланади. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Артериал гипертензия патогенезининг замонавий концепцияси**» деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётлар таҳлили, шу жумладан АГнинг этиологияси ва патогенезига оид янги маълумотлар, иммунитет ва метаболик параметрларини ўрганишнинг замонавий жиҳатлари муҳокама қилинган ҳамда қон томир тонусини тартибга солишда эндотелиннинг аҳамияти ёритилган. Келажакда ўрганилиши талаб қилинаётган муаммоли саволлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Клиник материалларнинг хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи берилган ва махсус тадқиқот усуллари баён этилган. Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ Бухоро шаҳридаги Бухоро вилоят кардиология диспансерида (БВКД) даволанган 30 ёшдан 70 ёшгача бўлган (ўртача ёши $54,0 \pm 1,0$) 1 ва 2- даражали АГ билан оғриган 135 нафар беморлар ва шу ёшдаги 75 нафар соғлом кишилар ўрганилди. Беморларга ташхис қўйишда АСС/АНА Hypertension Guidelines (2017) классификациясидан фойдаланилди. Иммунологик тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институтининг (акад. Т.У.Арипова) иммуноморфология лабораториясида олиб борилди. Қонда гуморал иммунитет (Ig A, Ig G, Ig M) ва цитокин ҳолати (IL-2, TNF- α , ЦИК, С3) кўрсаткичлари ўрганилди. Цитокинлар (IL-2, TNF- α , ЦИК, С3) қонда ИФА усулида кўрсатмага асосан аниқланган.

«Цитокин» тест тўпламидан (СПб, РФ) фойдаланилган. Қон билан боғлиқ текширувлар АГ қўзиш даврида олинган.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика усулидан фойдаланиб, амалга оширилган. Ўртача фарқлар ишончлилиги Стьюдент (t) мезони асосида тарқалиш нормаллиги ва асосий дисперсия тенглигини (F – Фишер мезони) текширишда хатолар эҳтимолини (P) ҳисобга олиб, баҳоланган. Корреляцион таҳлил Пирсон (r) усулидан фойдаланиб, олиб борилган. Чизиқли корреляцион таҳлил қондаги ва пешобдаги цитокинлар кўрсаткичи ва уларнинг мутлақ кўрсаткичи орасидаги тўғри боғлиқлик меъзонлари Чеддок шкаласи бўйича (2015) баҳоланган.

Диссертациянинг «Артериал гипертензияда углеводлар ва липидлар алмашинувининг ҳолати» деб номланган учинчи бобида АГ билан касалланган беморларнинг қонидаги углеводлар ва липидлар алмашинувининг кўрсаткичлари касалликнинг оғирлик даражасига қараб келтирилган. АГнинг оғирлигига кўра, беморлар 2 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ - 64 (47,4%) 1-даражали АГ билан касалланган беморлар; 2-гуруҳ - 71 (52,6%) 2-даражали гипертензия билан оғриган беморлар. Барча текширилган гипертония билан оғриган беморларнинг 73,3% да метаболик синдром (МС) аниқланган. АГ бошқа турли касалликлар билан бирга келган. Шу билан бирга, АГ оғирлик даражасидан қатъий назар беморларда ОИТ касалликлари устунлик қилган. Хусусан, 60,7% ҳолларда АГ сурункали холецистит асосида (эркакларда - 62,2%) кечган.

91 нафар беморда (67,5%) МС аниқланган бўлиб, шулардан 31 (34,1%) нафари АГ 1-даражали ва 60 (65,9%) нафари АГ-2 даражали беморлардир.

Наҳорги глюкоза даражасини таҳлил қилиш асосида унинг миқдори АГ-1 даражали беморларда 1,25 марта - $6,0 \pm 0,17$ г / л гача, АГ-2 даражали беморларда 1,65 марта - $7,92 \pm 0,34$ г / л га ошганлиги аниқланди. Бу кўрсаткич назорат гуруҳининг кўрсаткичига нисбатан - $4,79 - 0,11$ г / л ($p < 0,05$) юқорироқдир. Аниқланган нисбий гипергликемия ҳолати гипертензия билан оғриган беморларда диабет олди ҳолати сифатида баҳоланди (1-жадвал).

1-жадвал

Гипертензия билан оғриган беморларнинг қон таҳлили кўрсаткичлари (М ± м)

Кўрсаткичлар	назорат гуруҳ n=75	АГ 1-даража n=64	АГ 2-даража n=71
Глюкоза (г/л)	4,79±0,11	6,0±0,17*	7,92±0,34*
НbA1c (%)	5,80±0,10	6,49±0,30*	7,55±0,35*
Инсулин (пмоль/л)	4,08±0,22	5,6±0,48*	9,34±0,49*
Индекс Нома-IR	0,86	1,49	3,28
ЛГД ед/л	304,8±8,27	438,0±8,60**	463,3±15,09*
С-пептид нг/мл	1,55±0,08	2,34±0,18*	2,95±0,19*

Изоҳ: *Қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($p < 0,05 - 0,001$)

Тадқиқот ишончлигини ошириш ва қандли диабетни истисно қилиш учун глюкозаланган гемоглобин миқдорини (НbА) аниқлашга қаратилган қон текшируви ўтказилди. Текширишлар натижасида 1-гуруҳдаги беморларда НbA1c даражасининг $6,49 \pm 0,30\%$ гача ва 2-даражали гипертензия билан оғриган беморларда $7,55 \pm 0,35\%$ га кўтарилиши аниқлади. Бу кўрсаткич назорат гуруҳида - $5,80 \pm 0,10\%$ ($p < 0,05$) га тенг. НbA1c миқдорида аниқланган силжишлар ошиб боришга мойил бўлиб беморларда АГ нинг оғирлик даражасидан қатъий назар диабет олди ҳолатини тасдиқланди. Бундан 1 тип қандли диабет ҳолати мустаснодир.

2 –даражали АГ билан касалланган беморларда инсулин миқдорини

назорат гуруҳига ($4,08 \pm 0,22$ ммоль/л) нисбатан 2,3 марта ($9,34 \pm 0,49$ ммоль/л) ошганлиги аниқланган. 1- даражали АГ да эса бу кўрсаткич назорат гуруҳига ($4,08 \pm 0,22$ ммоль/л) нисбатан сезиларли статистик ўсиши ($5,6 \pm 0,48$ ммоль/л) аниқланган ($p < 0,05$).

Инсулинга резистентликни (ИР) аниқлаш мақсадида НОМАIR (Homeostasis Model Assessment Insulin Resistance) индекси ҳисобланди. Унга кўра 2-даражали АГ билан касалланган беморларда индекс 3,28 га ошганлиги аниқланди. НОМАIR индексининг бундай кўтарилиши 2-даражали АГ билан касалланган беморларда диабет олди ҳолати ва метаболик синдром ривожланишидан дарак беради.

Ташхисни қиёслаш ва аниқ қўйиш мақсадида қонда ЛДГ миқдори текширилди ва гипертензия даражасидан қатъий назар беморларда унинг фаоллигини ошганлиги аниқланди. 1-даража АГ беморларда ЛДГ кўрсаткичи- $438,0 \pm 8,60$ ед/л, 2-даража АГ беморларда - $463,3 \pm 15,09$ ед/л га тенглиги аниқланди. Бу кўрсаткич назорат гуруҳида - $304,8 \pm 8,27$ ед/л га тенг ($p < 0,05$).

Қандли диабетнинг қиёсий ташхисоти учун қонда С-пептид миқдори ўрганилди ва бу кўрсаткич назорат гуруҳи кўрсаткичига ($1,55 \pm 0,08$ нг/мл) нисбатан 2-даражали АГ беморларда 2 марта ($2,95 \pm 0,19$ нг/мл) ва 1-даражали АГ беморларда 1,5 марта ($2,34 \pm 0,18$ нг/мл) ошганлиги маълум бўлди ($p < 0,05$). Олинган натижалар С-пептид миқдорини АГ оғирлик даражаси ҳамда беморларда диабет олди ҳолати шаклланиши билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда, беморларда қандли диабетнинг қиёсий ташхиси амалга оширилди ва текширувчиларда касалликнинг 1-типи инкор қилинди.

АГ билан касалланган беморлар орасида углеводлар метаболизми ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатдики, АГ шаклланиши ва қондаги глюкоза кўрсаткичи орасида боғлиқлик бор. 1-даража АГ беморларда наҳорги глюкоза миқдорини 1,25 марта, 2-даража АГ беморларда 1,65 марта ошиши уларда гипергликемик ҳолатни тасдиқлади. Аниқланган нисбий гипергликемия ҳолати АГ мавжуд текширилган беморларда диабет олди ҳолати мавжудлигини исботлайди.

Ўз навбатида, АГ асоратларини олдини олиш ва бошқа касалликлар билан қиёсий ташхислаш мақсадида нафақат углеводлар, балки липид алмашинувини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

АГ беморлар қонида липидлар спектрини ўрганиш шуни кўрсатдики, 1-даражали АГ беморларда умумий холестерин миқдори $6,40 \pm 0,18$ ммоль/л гача ва 2-даражали АГ беморларда $7,46 \pm 0,16$ ммоль/л гача ошганлиги маълум бўлди. Бу кўрсаткич назорат гуруҳида $5,31 \pm 0,13$ ммоль/л га тенг (жад.2).

Артериал гипертензияда липидлар спектри кўрсаткичлари (M ± m)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳ n=75	АГ 1-даража n=64	АГ 2-даража n=71
Умумий холестерин (ммоль/л)	5,31±0,13	6,40±0,18*	7,46±0,16**
ЮЗЛП (ммоль/л)	45,8±0,82	39,1±0,17*	37,2±0,82*
ПЗЛП (ммоль/л)	113,7±2,37	134,8±3,04*	145,8±3,48*
ТГ (ммоль/л)	2,04±0,04	2,87±0,88	2,91±0,08*
Атерогенлик индекси	2,64±0,04	3,11±0,08*	3,30±0,08*

*Изоҳ: * Қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли (*P<0,05 -** 0,001)*

Умумий холестерин миқдорини ошишининг АГ даражасига боғлиқлиги аниқланди. 1-гуруҳда умумий холестерин миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичи (5,31±0,13 ммоль/л (P<0,001)) га нисбатан 6,40±0,18 ммоль/л (P<0,05) гача, 2- гуруҳда эса 7,46±0,16 ммоль/л гача ошиш тенденцияси кузатилган. Шу ўринда ҳар иккала гуруҳда ҳам юқори зичлик липопротеин (ЮЗЛП) миқдори назорат кўрсаткичларига нисбатан паст бўлган: 1-даражали АГ бўлган беморларда 39,1±0,17 ммоль/л , 2-даражали АГ бўлган беморларда 37,2±0,82 ммоль/л. Бу кўрсаткич назорат гуруҳида 45,8±0,82 ммоль/л ташкил этган(P<0,05). Аниқланган натижалар ҳар иккала гуруҳ учун ҳам статистик аҳамиятга эга бўлиб, МС ривожланаётганлигидан дарак беради. Хусусан, АГ билан касалланган беморлардаги дислипидемия ва атеросклерозга мойилликни кўрсатади.

АГ билан касалланган беморларда паст зичлик липопротеин (ПЗЛП) миқдорини аниқлаш натижасида унинг кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан (113,7±2,37 ммоль/л) 1 гуруҳда 134,8±3,04 ммоль/л гача, 2-гуруҳда 145,8±3,48 ммоль/л гача кўтарилгани аниқланди (P<0,05). Олинган найжа беморларда АГ нинг оғирлик даражасидан қатъий назар МС ривожланаёиганини тасдиқлайди.

2-гуруҳ беморларида триглицеридлар (ТГ) миқдорининг статистик сезиларли ошганли (2,91±0,08 ммоль/л гача) аниқланди. Бу кўрсаткич назорат гуруҳида 2,04±0,04 ммоль/л тенг (P<0,05).

АГ да углеводлар ва липидлар спектрини солиштирма таҳлили беморларда липид алмашинувининг бузилиши ва ИР юқорилигини кўрсатди.

Беморларда метаболик синдромни аниқлаштириш мақсадида атерогенлик индекси (АИ) ҳисобланди. АГ учун хос бўлган дислипидемия МС, хусусан атеросклероз ривожланишига олиб келиши тўғрисидаги хулосанинг тасдиғи сифатида, биз АГ оғирлик даражасидан қатъий назар АИнинг юқори кўрсаткичларини кузатдик. Яъни 1-гуруҳда АИ назорат гуруҳига (2,64±0,04) нисбатан 3,11±0,08 гача, 2-гуруҳда 3,30±0,08 гача кўтарилганлиги аниқланди. Олинган натижара статистик жиҳатдан ишончли бўлиб, АГ беморларда ҳатто 30- 40 ёшда ҳам юрак қон томир касалликлари, жумладан юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ривожланиш хавфи мавжудлигини кўрсатади.

Ўз навбатида изланишлар натижалари шуни кўрсатадики- беморлардаги

липид алмашинуви кўпроқ инсулинга нисбатан резистентлик билан боғлиқдир. АГ ривожланиш механизми эса кўпроқ углевод ва липид алмашинуви ҳамда МС ривожланиши билан боғлиқдир.

«Артериал гипертензияда қоннинг иммунологик кўрсаткичларини баҳолаш» номли диссертациянинг тўртинчи бобида АГ да ҳужайравий иммунитет хусусиятлари акс этган натижалар келтирилган.

Лейкоцитларнинг мутлақ сонининг статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши 2-гурухдаги беморларда ($8,3 \pm 0,2$) кузатилган бўлиб, бу кўрсаткич назоратга нисбатан - $7,3 \pm 0,32$ ташкил қилади ($p < 0,05$). Бу гипертензия асоратлари ривожланишини исботлайди.

АГда лимфоцитларни умумий сонидан нисбий ва мутлақ концентрациясини ўрганиш, 2-гурухдаги беморларда назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли ўсишни кўрсатди, кўрсаткичлар мос равишда: 1 мклда $31,2 \pm 1,78\%$ ва $2,3 \pm 0,14$, $38,1 \pm 0,9$ га тенг ($p < 0,05$). Аниқланган нисбий ва абсолют лимфоцитоз сурункали касалликлар (вирусли, бактериал, паразитар ва аллергик) дан дарак беради.

Демак, АГ да қонда лейкоцитлар миқдорининг ошиши эндотелийнинг зарарланиши ва микроциркуляциянинг бузилиши оқибатида кузатилади; ҳамда йўлдош касалликлар асосий касалликни кечишига ва АГни асоратланиши шаклланишига таъсир этиши исботланди.

1- даражали гипертензия билан оғриган беморларда ўтказилган тадқиқотда СДЗ+ лимфоцитларни нисбий сонининг назорат кўрсаткичларига нисбатан $53,6 \pm 1,31\%$ гача ва 2-даражали гипертензияда $50,2 \pm 0,9\%$ гача камайиши аниқланди ($p < 0,05$). Олинган натижа фақат 2-гурух текшируви беморларига нисбатан статистик аҳамиятга эга ва АГнинг оғирлик даражасига боғлиқлигини кўрсатади. Бинобарин, СДЗ+ - лимфоцитлар даражасининг пасайиши 2-даражали гипертензияда гипореактивлик ёки иммунологик фалажликни кўрсатади.

СДЗ+ - лимфоцитларнинг мутлақ қиймати бу ҳолда 2-даражали гипертензия билан оғриган беморларда назорат қийматларига нисбатан ($1,29 \pm 0,08$ 1 мклда) $1,59 \pm 0,04$ гача кўтарилган ($p < 0,05$). 1-гурухдаги беморлар 1 мкл қонда $-1,45 \pm 0,05$ гача кўтарилиш тенденцияси кузатилди. СДЗ+ - лимфоцитлар субпопуляциясининг миқдорини аниқлаш бирламчи ва иккиламчи иммунитет танқислигини қиёсий ташхислаш имконини беради. СДЗ+ - лимфоцитлар субпопуляциясини таҳлил қилиш асосида биз иммунитет танқислиги табиатини аниқлашга муваффақ бўлдик.

Шундай қилиб, 2-даражали гипертензияда СДЗ+ - лимфоцитларнинг нисбий қийматнинг пасайиши ва мутлақ қийматининг ошиши АГда ҳамроҳ касалликлар (вирусли ва бактериал инфекциялар) ни таъсирида иккиламчи иммунитет танқислигининг шаклланиши оқибатида ривожланган иммун фалажлик ҳолати исботланди (3-жадвал).

Жадвал 3

**Артериал гипертензияда ҳужайра иммунитетининг кўрсаткичлари
(M±m)**

Кўрсаткичлар	Назорат гурухи n=75	АГ 1-др n=64	АГ 2-др n=71
CD 3 %	56,2 ± 1,67	53,6 ± 1,31	50,2 ± 0,9*
CD 3 абс	1,29 ± 0,08	1,45 ± 0,05	1,59 ± 0,04*
CD 4 %	34,3 ± 0,91	31,0 ± 0,77*	29,6 ± 0,47*
CD 4, абс	0,79 ± 0,05	0,83 ± 0,03	0,94 ± 0,02*
CD 8 %	22,5 ± 0,77	25,3 ± 0,58*	29,4 ± 0,46*
CD 8, абс	0,51 ± 0,03	0,68 ± 0,02*	0,93 ± 0,01**
CD 4/CD8	1,52 ± 0,04	1,22 ± 0,03*	1,0 ± 0,03**

*Изох: * - * Қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)*

Яллиғланиш жараёнининг табиатини (вирусли ёки бактериал) аниқлаш мақсадида беморларда CD4+ лимфоцитларнинг сифат ва сон таҳлилини амалга оширдик. CD4+ лимфоцитлар нисбий сони назорат гуруҳи- 34,3 ± 0,91% га нисбатан, 1 гуруҳда-31,0 ± 0,77%, 2- гуруҳда- 29,6 ± 0,47% гача тушганлигини кузатдик. Бу ҳар иккала гуруҳда гипореактивлик ва иммун танқисликдан дарак беради.

Аммо CD4+-лимфоцитларнинг абсолют сони назорат гуруҳида 1 мкл қонда 0,79 ± 0,05 бўлиб АГ 2-даражасида 1мкл қонда 0,94 ± 0,02 гача ишончли ошганлиги маълум бўлди (p<0,05). Бу кўрсаткичлар 1-даражали АГ беморлар гуруҳида 1мкл қонда 0,83 ± 0,03 гача ошишга мойиллиги кузатилган. Олинган натижалар организмнинг яллиғланиш жараёнига жавоб реакциясини кўрсатади.

АГ да CD8+-лимфоцитларнинг нисбий ва мутлақ сонининг ошганлиги аниқланди. Олинган натижалар АГ да лимфоцитларнинг супрессор активлигининг ошиши ва киллер активлигининг пасайишини кўрсатди.

Шундай қилиб, АГ да касаллик оғирлик даражасидан келиб чиққан ҳолда иммуно-метаболик дисбаланс кузатилади, иммунологик фалажлик асосида ўткир ёки сурункали яллиғланиш жараёни кўринишидаги компенсатор реакция ривожланиши исботланди.

Тадқиқотда АГни оғирлик даражасидан қатъий назар, иммунорегулятор индекс (ИРИ)нинг статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасайишини аниқлади. 1-даражали АГ бўлган беморларда ИРИ 1,22 ± 0,03 (p<0,05) ва 2-даражали АГ билан - 1,0 ± 0,03 га тенглиги аниқланган бўлиб бу назорат гуруҳи кўрсаткичи (1,52 ± 0,04) га нисбатан сезиларли паст эканлиги исботланди (p<0,05).

Организмни вирусга ва бактерияга қарши иммунитетини аниқлаш учун АГ билан касалланганлар қонида CD16+- лимфоцитлар миқдори текширилди. 1- ва 2-беморларда ушбу лимфоцитларнинг ишончли ошганлиги аниқланди ва кўрсаткичлар мос равишда 1 мкл қонда 0,41 ± 0,02 ва 0,59 ± 0,02 ни ташкил этди. Бу кўрсаткич назорат гуруҳида -0,28 ± 0,03 га тенг (p<0,05).

АГда лимфоцитларнинг киллер активлиги 2 гуруҳда $19,0 \pm 0,8\%$ назорат гуруҳига нисбатан- $12,4 \pm 1,1\%$ ишончли ошганлиги аниқланди ($p < 0,05$). 1- даражали АГ да CD16- лимфоцитларнинг мутлақ сони ошишига ($15,2 \pm 1,03\%$) мойиллик кузатилди (жад.4).

Жадвал 4

**Артериал гипертензияда иммунитетнинг айрим кўрсаткичлари
(M±m)**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=75	АГ 1-др n=64	АГ 2-др n=71
CD16,%	$12,4 \pm 1,1$	$15,2 \pm 1,03$	$19,0 \pm 0,8^*$
CD16, abc	$0,28 \pm 0,03$	$0,41 \pm 0,02^*$	$0,59 \pm 0,02^*$
CD20,%	$18,6 \pm 1,03$	$29,4 \pm 1,2^*$	$35,2 \pm 1,3^{**}$
CD20, abc	$0,42 \pm 0,08$	$0,67 \pm 0,05^*$	$1,12 \pm 0,07^*$
CD25,%	$18,1 \pm 1,29$	$21,6 \pm 1,34$	$27,2 \pm 0,93^*$
CD25, abc	$0,41 \pm 0,04$	$0,58 \pm 0,03^*$	$0,86 \pm 0,02^{**}$
CD95,%	$21,0 \pm 1,38$	$26,9 \pm 1,35^*$	$28,4 \pm 1,07^*$
CD95, abc	$0,48 \pm 0,04$	$0,72 \pm 0,03^*$	$0,9 \pm 0,03^*$

Изох: * - *Қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

Демак, гипертензиянинг оғирлик даражасига қараб киллерлик активлиги ҳам ошиб борар экан.

Яллиғланиш жараёнининг дастлабки босқичини фарқлаш учун CD25+ лимфотцитлар миқдори текширилди. CD25+ лимфоцитларининг мутлақ қиймати АГ нинг 1-даражасида ҳам, 2-даражасида ҳам назорат кўрсаткичига нисбатан мос равишда 1 мкл қонда $0,58 \pm 0,03$ ва $0,86 \pm 0,02$ гача статистик жиҳатдан сезиларли ошгани кузатилди ($p < 0,05$). Шу билан бирга, 2-даражали АГда CD25+лимфоцитларнинг мутлақ қийматларининг 2 баравар ошиши аниқланди, бу АГ нинг янада оғир кечишида организмни компенсатор жавоб реакциясининг фаоллашуви кузатилади деган хулосага келишга имкон беради. Шу билан бирга, CD25+лимфоцитларнинг функционал фаоллиги 2- даражали АГда назорат гуруҳига $18,1 \pm 1,29\%$ га нисбатан 1,5 баравар ошган ($27,2 \pm 0,93\%$) ($p < 0,05$).

Олинган натижалар қуйидаги хулосани шакллантиради: иммуно-метаболик дисбаланси мавжуд АГ ли беморлада назорат гуруҳига нисбатан CD20-лимфоцитлар абсолют сонини 3,5 марта ($p < 0,05$), CD25-лимфоцитлар 1,5 марта ($p < 0,05$), CD16 хужайраларни 2,1 марта ($p < 0,05$) ошади.

Бундай мураккаб биологик жараён албатта вақт ўтиши билан ички аъзоларда ўчоқли ўзгаришлар ва тўқима парчаланишига ҳамда АГ да полиорган етишмовчиликка олиб келади.

Хужайралар апоптози танадан эски, инфицирланган ва зарарланган хужайраларни чиқариш билан кечади. CD95- лимфоцитлар организмда апоптоз учун жавобгардир.

Организмни инфицирланган ва эски хужайралар билан зарарланиш даражасини ўрганиш, АГ оғирлик даражасидан қатъий назар CD95-

лимфоцитлар абсолют сонининг ошганлигини кўрсатди. Апоптоз таҳлили натижасида CD95- лимфоцитлар миқдори АГ 2-даражасида 2 марта, АГ 1-даражасида 1,5 марта ошганлигини кўрсатди ($p < 0,05$) (жад.4).

В-лимфоцитлардан CD20-лимфоцитларнинг абсолют ва нисбий миқдори аниқланди. Таҳлилларда АГ оғирлик даражасидан қатъий назар CD20-лимфоцитларнинг бир хилда мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари ошганлиги маълум бўлди. АГ 1-даражада CD20- лимфоцитларнинг мутлақ сони 1 мкл қонда - $0,67 \pm 0,05$ гача ошганлиги аниқланди ($p < 0,05$). АГ 2 даражада эса 1 мл қонда - $1,12 \pm 0,07$ ни, назорат гуруҳида эса - $0,42 \pm 0,08$ ни ташкил этди ($p < 0,05$) (жад.5).

Жадвал 5

**Артериал гипертонияли беморларда туғма ва мослашган гуморал
иммунитет кўрсаткичлари ($M \pm m$)**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳ n=75	АГ 1-др n=64	АГ 2-др n=71
CD20,%	$18,6 \pm 1,03$	$29,4 \pm 1,2^*$	$35,2 \pm 1,3^{**}$
CD20, abc	$0,42 \pm 0,08$	$0,67 \pm 0,05^*$	$1,12 \pm 0,07^*$
IgG, г/л	$8,41 \pm 0,30$	$7,50 \pm 0,29^*$	$7,71 \pm 0,28$
IgA, г/л	$1,43 \pm 0,07$	$1,30 \pm 0,1$	$1,23 \pm 0,09$
IgM, г/л	$0,92 \pm 0,06$	$1,40 \pm 0,09^*$	$1,05 \pm 0,09$

*Изох: * - * Қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)*

Шу билар бирга CD20-лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичи назорат гуруҳи кўрсаткичи ($18,6 \pm 1,03\%$) га нисбатан АГ 2-даражада $1,89$ марта ($35,2 \pm 1,3\%$, $p < 0,05$), ҳамда АГ-1 даражада $1,58$ марта ($29,4 \pm 1,2\%$, $p < 0,05$) ошган. Олинган натижа АГ Т-лимфоцитлар дисбаланси ва В лимфоцитлар фаоллиги ва антикорлар ҳосил бўлиш жараёни ошиши билан кечишини исботлайди.

Иммуноглобинларнинг асосий синфларини ўрганиш натижасида АГ-1-даражада IgM $1,40 \pm 0,09$ г/л гача ва АГ 2-даражада $1,05 \pm 0,09$ г/л гача ошиши маълум бўлди. Бунда назорат гуруҳи кўрсаткичи $0,92 \pm 0,06$ г/л ни ташкил этган.

Бундай натижа АГ ривожланишида ўткир яллиғланиш жараёнининг аҳамияти борлигини ва статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади ($p < 0,05$).

АГ билан касалланган беморларда IgG миқдори АГ 1-даража бўлган гуруҳда $7,50 \pm 0,29$ г/лгача, АГ 2-даражада $7,71 \pm 0,28$ г/л гача тушганлигини кўрсатди. Назорат гуруҳи кўрсаткичи $8,41 \pm 0,30$ г/л га тенг бўлган.

АГ билан касалланган беморлар гуруҳларида IgA миқдорини таҳлили унинг миқдорини транзитор тушиб кетишини кўрсатди. АГ 1-даражада унинг миқдори $1,30 \pm 0,1$ г/л га, АГ 2-даражада $1,23 \pm 0,09$ г/л гача пасайган. IgAнинг назорат гуруҳидаги кўрсаткичи- $1,43 \pm 0,07$ г/л га тенг бўлган. IgA миқдорининг бундай транзитор камайиши йўлдош бўлган МС ва бошқа ҳолатларнинг белгиси бўлиб ҳисобланади.

Шунга кўра, АГ да аниқланган IgG танқислиги ва IgA нинг транзитор камайиши МС асосидаги АГ да иммунтанқислик ҳолатидан дарак беради. IgM миқдорининг ошиши эса яллиғланишнинг ўткир даврини тасдиқлайди. Демак, АГ нинг кўзғалиши ва оғирлашувига ўткир ва сурункали инфекциялар жараёнлари сабаб бўлади.

Тадқиқотда АГ билан касалланган беморлар қонида комплемент С3 миқдори назорат гуруҳига ($35,2 \pm 1,02$ нг/мл) нисбатан АГ 1- даражада $1,53$ марта ($53,6 \pm 0,9$ нг/мл, $P < 0,01$) ҳамда АГ 2- даражада $1,67$ марта ($58,8 \pm 1,19$ нг/мл, $P < 0,01$) ошганлиги аниқланди. Бу яллиғланиш жараёнини организмда ижобий кечаётганини исботлайди (жад.6).

Жадвал 6

Артериал гипертензияда яллиғланиш маркерларининг кўрсаткичлари (M±m)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=75	АГ 1-др n=64	АГ 2-др n=71
СРБ, мг/л	$1,69 \pm 0,09$	$5,5 \pm 0,06^{***}$	$8,90 \pm 0,19^{***}$
С3, нг/мл	$35,2 \pm 1,02$	$53,6 \pm 0,9^{**}$	$58,8 \pm 1,19^{**}$
ЦИК, усл.ед.	$54,9 \pm 1,79$	$65,2 \pm 2,02^*$	$55,6 \pm 1,19$

Изох: * - * Қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли (* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$)

Гиперкомплементэмия билан бир қаторда АГ билан касалланган беморларда С реактив оқсил (СРО)нинг статистик ошиши кузатилган. АГ 1- даража беморларда СРО $5,5 \pm 0,06$ мг/л ($P < 0,001$) гача, АГ 2-даражада эса $8,90 \pm 0,19$ мг/л ($P < 0,001$ гача ошганлиги аниқланган. Ушбу кўрсаткич назорат гуруҳида- $1,69 \pm 0,09$ мг/л га тенг.

Аниқланган СРОнинг ишончли юқори кўрсаткичи беморларда қон томир деворининг субклиник яллиғланиш белгиси бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда СРО миқдорининг ошиши АГ оғирлик даражасига боғлиқ равишда ўзгарганлиги маълум бўлди: АГ 1-даражасида унинг миқдори $3,3$ марта, АГ 2-даражасида $5,3$ марта ошган.

Яллиғланиш характери аниқлаш мақсадида текширилаётган беморлар гуруҳида циркуляцияланувчи иммун комплекслар (ЦИК) кўрсаткичи таҳлил қилинди.

АГ 1-даражасида ЦИК кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан ($54,9 \pm 1,79$ шартли бирлик (ШБ) ($P < 0,05$)) $65,2 \pm 2,02$ ШБга ошган ($P < 0,05$). АГ 2- даражада эса ЦИК кўрсаткичи меъёр чегарасида - $55,6 \pm 1,19$ ШБ эканлиги аниқланди.

